**ЎЗБЕК ТИЛИ 11-синф 1-вариант**

**1. Очиқ бўғинли сўзларни топинг.**
А) Адвокат, сув, тупроқ;
Б) Дарахт, олма, айиқ;
В) Чархпалак, китоб, жийда
Г) Ўсма, шафтоли, бола
Д) Пичоқ, мактаб, мадраса.

**2. Қўшма олмошлар иштирок этган гапни белгиланг.**
А) Шу онда нимадир қарс этди.
Б) Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур.
В) Унда-бунда қушларнинг сайрагани эшитиларди .
Г) Аллаким эшикни тақиллатди.
Д) Кампирлар суҳбати узундан-узун бўлиб чўзилиб кетди.

3. **Феъл ясовчи қўшимчаларни топинг.**
А) -а, -й, (-ай), -ар, -сира, -ла;
Б) -ли, -сиз, -вий, -ий, -чан ;
В) -чи, -дош, -паз, -каш, -ли, -ки;
Г) -ча, -ларча, -часига, -лаб;
Д) -чоқ, -чак, -чиқ, -хон, -иқ, -уқ.

**4.Мажҳул нисбатдаги феъл кайси жавобда қўлланилган?**
А) У топшириқни бажарди.
Б) Экинлар суғорилди
В) Навбатчилигик тугади.
Г) Ёмғир эзиб ёғди.
Д) Қушлар учиб келди.

**5. Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлган ва бир хил синтактик вазифани бажарган бўлаклар....**
А) Кириш сўз
Б) Кириш гап
В) Ундалма
Г) Уюшиқ бўлаклар
Д) Умумлаштирувчи сўзлар

**6. Гапнинг уюшиқ бўлакларини боғловчи воситалар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**
А) Келишиклар ва кўмакчилар
Б) Тенг боғловчилар ва боғловчи воситасидаги ёрдамчилар
В) Эргаштирувчи боғловчи ва оҳанг
Г) Оҳанг
Д) Тенг боғловчилар боғловчи воситасидаги ёрдамчилар ва оҳанг.

**7. Уюшиқ бўлакли гапни аниқланг.**
А) Икки ёрти – бир бутун.
Б) Нотиқ анча ўйланиб турди-да, гап бошлади.
В) Фарзанд кулдиради, йиғлатади ҳам.
Г) Иккинчи, иккинчи жавоб беринг.
Д) Б ва В.

**8. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирувчи сўзлар...**
А) Кириш сўзлар
Б) Ундалма
В) Кириш гап
Г) Ажратилган бўлаклар
Д) Уюшиқ бўлаклар.

**9. Ундалманинг ўрни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
А) Фақат гап бошида келади.
Б) Гап бошида ва охирида келади.
В) Гап бошида, ўртасида, охирида келади.
Г) фақат гап охирида келади.
Д) Фақат гап ўртасида келади.

**10.** ***Нечун тилкалайсан бағримни, оҳанг?*** **Ушбу гапда ундалма кимга, нимага қаратилган?**
А) Сўзловчи
Б) Жонсиз предметга
В) II шахсга
Г) III шахсга
Д) Мавҳум отга.